

УДК 616.36-085

**ЖИГАР ҲАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН БЕМОРЛАР
САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

Файзибоев Пирмамат Нормаматович

Гигиена кафедраси мудири, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

*Ибрагимова Файруза Собировна
Махмадаймов Фузаил Ильхомович*

Гигиена кафедраси 2-босқич клиник ординаторлари

Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли

Альфраганус университети 2-босқич талабаси

УДК 616.36-085

ИССЛЕДОВАНИЕ СОСТОЯНИЯ ЗДОРОВЬЯ БОЛЬНЫХ С

ЗАБОЛЕВАНИЯМИ ПЕЧЕНИ И РАЗРАБОТКА

ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ МЕР

Файзибоев Пирмамат Нормаматович

доктор медицинских наук, доцент, заведующий кафедрой гигиены

Ибрагимова Файруза Собировна

Махмадаймов Фузаил Ильхомович

клинические ординаторы 2-го курса кафедры гигиены

Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли,

студент 2-го курса университета Альфраганус

Аннотация: Хронические заболевания печени у человека часто приводят к развитию цирроза печени. Под воздействием инфекций, алкоголя и других факторов клетки печени погибают, а на их месте образуется соединительная ткань. В результате печень теряет способность выполнять свои функции, что приводит к сбоям в системе кровообращения и развитию печеночной недостаточности.

Ключевые слова: Хронические заболевания печени, клетки печени, алкогольные напитки.

UDC 616.36-085:

**STUDY OF THE HEALTH STATUS OF PATIENTS WITH LIVER DISEASES
AND DEVELOPMENT OF PREVENTIVE MEASURES**

Fayziboev Pirmamat Normamatovich

Doctor of Medical Sciences, Associate Professor

Head of the Department of Hygiene

Ibragimova Fairuza Sobirovna

Makhmaraimov Fuzail Ilkhomovich

2nd-year clinical residents of the Department of Hygiene

Fayzboev Bekzod Pirmamat ugli

2nd-year student of Alfraganus University

Abstract: Chronic liver diseases in humans often result in the development of cirrhosis. Under the influence of infections, alcohol and other factors, liver cells die, and connective tissue forms in their place. As a result, the liver loses the ability to perform its functions, which leads to failures in the circulatory system and the development of liver failure.

Keywords: Chronic liver diseases, liver cells, alcoholic beverages

Мавзунинг долзарбилиги: Сўнгги йилларда жигар касалликларининг ривожланишида узоқ вақт интоксикация, тўғри овқатланмаслик, рационда зарур бўлган минерал моддалар ва витаминларнинг етишмаслиги ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги маълум бўлди.

Инсонларнинг сурункали жигар касаллигига чалинишининг якуний босқичи бу жигар циррозга чалиниши билан тугашидир. Бу касаллика чалинган беморларда организимидағи инфекция, спиртли ичимлик ва бошқа сабаблар таъсири остида жигар хужайраларининг ўлиши ва унинг ўрнини бириктирувчи тўқималарнинг эгаллаши билан кечади. Қарабизки бунинг оқибатда жигар ўз вазифасини бажара олмайди натижада, инсон ички аъзоларининг қон айланиш тизими ишдан чиқиб, жигар етишмовчилигининг ривожланишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, алкоголли ичимликлар жигарда содир бўладиган турли метаболик жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатиши исботланган. Ҳайвонлар устида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, спиртли ичимликларни узоқ вақт давомида истеъмол қилиш заҳарланишга, тўғри овқатланишнинг пасайишига, айrim ферментатив жараёнларнинг ўзгаришига ва гепатоцитларда дегенератив ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келади.

80 % ҳолатларда жигар циррози спиртли ичимликлар сабабли келиб чиққани билан айrim пайтларда уни оғзига олмаган одамларда ҳам моддалар алмашинуви билан туғма жиддий муаммоларнинг борлиги, дорилардан ва кимёвий заҳарланиш, ўт йўли касалликлари, сурункали вирусли гепатит В, С, рационда оқсил ва витаминларнинг сурункали танқислиги ва парҳез овқатланишга риоя қилмаслик оқибатларида худди шундай касаллика чалиниш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда сурункали жигар касалликлари билан оғриган bemorlar ӯлим

кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринда туради. Бу эса ушбу масалага кўпроқ эътибор бериш муҳимлигини талаб қиласди.

Мақсад: Парҳез овқатланишнинг анъанавий таомларини киритиш орқали жигар касаллигига чалинган инсонларнинг саломатлик ҳолатини ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг материаллари: Жигар касаллигига чалинган беморларни текширувдан ўтказиши, метаболик жараёнларни тўғрилаш учун парҳез овқатланиш орқали керакли бўлган қўшимчалардан фойдаланилади.

Республика ва Самарқанд вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлги хизматининг жигар касалларини билан касалланиши бўйича охриги икки йиллик расмий ҳисобот натижалари ва сўровномалардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари: Сурункали жигар касаллиги бўлган одамлар кўпинча ёмон овқатланиш ҳолатига дуч келишади. Жигар фаолиятининг ёмонлашиши билан касалликнинг оғирлиги кучаяди ва касалликнинг тарқалишига ва ўлим даражасига сезиларли даражада таъсир қиласди.

Беморнинг аҳволини баҳолаш учун олиб борилган тадқиқотлар анъанавий тарзда касалхонага ётқизилган беморларда ўрганилди. Тажриба давомида барча беморларнинг шикоятларини кўриб чиқилди. Жигар циррози ташхиси қўйилган беморларни тақсимлашда касалликнинг давомийлиги йил давомида ташрифлар частотасига таянган ҳолда ўрганилди. Беморлар билан суҳбатлар давомида 12 bemorda 4 йилдан ортиқ вақт давомида жигар шикастланишининг алломатлари борлигини аниқланди, улардан 7 нафари аёл ва 5 нафари эркак кишидан иборат бўлди. 67 нафар (31 нафар аёл, 36 нафар эркак) bemorda 2-3 йил давомида симптомлар кузатилиб, бир йил олдин 12 нафар bemor, жумладан, 5 нафар аёл ва 7 нафар эркақда жигар циррози аниқланган. Тиббий муассасага ташрифлар частотаси ўрганиб чиқилганда, 13 нафар иштирокчи касаллик бошланганидан буён 3 марта гача поликлиникага ташриф буюрган, 31 нафари 5 мартадан ортиқ, 44 нафари эса 3-5 марта касалхонага ётқизилгани аниқланди.

Иш жойидаги муҳит ва шарт-шароитлар, шунингдек, сўровда қатнашган шахсларнинг касбий фаолияти ҳар томонлама ўрганилгандан сўнг, респондентларнинг 5,62% ушбу соҳада ишчиларнинг соғлиғига заарли ва хавфли омиллар таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаганлиги аниқланди. 1,12% эса ушбу соҳада маъмурий лавозимларда ишлаган. Бошқарувчи ролларни эгаллашдан олдин респондентларнинг 5,62% бир неча йил давомида уларнинг соғлиғига таъсир қилувчи заарли омиллар билан боғлиқ бўлган жойларда ишлашганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб шу нарсани айтишимиз мумкинки, касаллик билан боғлиқ бўлган ўзига хос оғишларни ҳисобга олган ҳолда стандарт мувозанатли парҳез овқатланишни тўғри йўлга кўйиши. Профилактика мақсадида, атроф-муҳит омиллари ва иш жойининг жойлашувининг жигар шикастланишига таъсирини ҳисобга олган ҳолда беморларнинг касбларини тўғри танлашлари муҳимлиги борасида тушинтириш ишларини олиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Braet F., Wisse E. Structural and functional aspects of liver sinusoidal endothelial cell fenestrae: a review //Comparative hepatology. – 2002. – Т. 1. – №. 1. – С. 1-17
2. Calmet F., Martin P., Pearlman M. Nutrition in patients with cirrhosis //Gastroenterology & hepatology. – 2019. – Т. 15. – №. 5. – С. 248.
3. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлаш ва ташишда нозик назорат нуқталардаги хавфли омилларни баҳолаш. (2024). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(3), 6-12.
4. Файзибоев П. Н. и др. ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР ВА УШБУ ОМИЛЛАРНИНГ КАСАЛЛАНИШ КЎРСАТКИЧИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 266-273.
5. Файзибоев П. Н. и др. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭХИНОКОККОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 274-280.
6. Normamatovich F. P. et al. aO'ZBEKISTONDA BRUTSELLYOZ KASALLIGINING ETIOLOGIYASI VA EPIDEMIOLOGIYASINING TAHLILI //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2024. – Т. 19. – №. 3. – С. 75-80.
7. Normamatovich F. P. et al. ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 142-149.
8. ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕЛМИНТОЗ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ. (2023). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(9), 231-235.

9. ФУНКСИОНАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ОФИЗ БЎШЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ. (2023). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(8), 60-64.
10. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ. (2023). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(7), 221-225.
11. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТЛИЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //*INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-141.
12. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. (2023). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(7), 230-233.
13. Абдимуминова Л. А. и др. НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИГА АМАЛ ҚИЛГАН ҲОЛДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА ТЕМИР ТАНҚИСЛИК КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИНИ АНИҚЛАШ //*INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 227-232.
14. Файзибоев П. Н. АҲОЛИНИНГ ЎРТАЧА КУНЛИК РАЦИОНИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЁЗ-КУЗ МАВСУМИДАГИ ИСТЕМОЛИНИ БАҲОЛАШ //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2024. – №. 9. – С. 148-152.
15. ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. (2024). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 71-76.
16. HYGIENIC ASSESSMENT OF CRITERIA FOR SAFETY AND NUTRITIONAL VALUE OF FRUITS AND VEGETABLES. (2024). *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 77-81.
17. Файзибоев П. Н. и др. Ўткир респиратор касалликларининг олдини олишда, соғлом овқатланиш ва иммунитетнинг ўрни //*INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 13-18.
18. Carvalho J. R., Machado M. V. New insights about albumin and liver disease //Annals of hepatology. – 2018. – Т. 17. – №. 4. – С. 547-560.